Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 90 (5381).
19 АПРЕЛЬ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи гражданлари! Иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун умумхалқ ҳаракатида актив қатнашингиз! Моддий, энергетика, меҳнат ва молия ресурсларидан самарали фойдаланингиз!

(КПСС Марказий Комитети 1 Май Чақириқларидан).

«Буюк Почин» анъаналарига садоқат

8. ФРУНЗЕ РАЙОНИ

ИШЧИ КОРЖОМАСИДАГИ БАЙРАМ

С. ХУЖАЕВА,
Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари.

—Фрунзе районн меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигини катта шонли байрам сингари кутиб оляптилар. Бу кунларнинг зарбдор вахтаси коллективларнинг меҳнат ва сиёсий активлиги даражасини оширди. Корхоналарда, қурилишларда, участкаларда, бригадаларда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, ҳар бир буюмга сарфланаётган меҳнат сарфини камайтириш учун кураш кенгаймоқда. Коммунистик шанбаликка фаол тайёргарлик кўрилмоқда. Бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилди: жойларда штаблар ташкил этилди, ҳар бир коллективга маҳсулот ҳажми, ободонлаштириш бўйича аниқ топшириқлар белгиланди, кўргазмали агитация, оператив ахборотга катта аҳамият берилияпти.

Коммунистик шанбалик куни саноатдаги иш жойларида 27 мингдан ортиқ ишчи, қурилишда эса 11 минг киши, шу жумладан ишга туширладиган объектларда 3 минг киши меҳнат қилади. Шу куни 2-фабриканинг мажлислар зали ва ошхонаси ишга туширилади. Ишчиларнинг катта группаси Сапёрная-Баранова массивида қурилиш билан шуғулланишади. Бу ушбу объектни муддатидан икки ой аввал фойдаланишга топшириш имконини беради.

Мингдан ортиқ фрунзелик Тошкент областининг Бўка районидаги чўчқачилик комплексида меҳнат қилади. Бу ерда шу куни иккита чорвачилик блоки, насос станцияси қурилиши тугалланади, комплекснинг бутун территорияси асфальт ётқизиш учун тахт қилинади.

Меҳнат байрамига тайёргарлик даврида моддий-техника воситаларини омилкорлик билан сарфлашга катта эътибор берилади. Кўпгина корхоналар, қурилишлар, транспорт ташкилотларида тежамкорлик ҳисоблари очилди. Натижада 21 апрелда 8 цех, 14 бригада, 1110 ишчи фақат тежалган материал ва хом ашёдан 220 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайди. Бу ўтган йилдагидан 30 минг сўмлик кўпдир.

Қурилиш ташкилотлари коллективлари 275 минг сўмлик ҳажмида қурилиш-монтаж ишларини бажаришади. Транспортчилар тежалган ёнилғи билан 28,2 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташийди.

Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг юқори курс студентларидан 600 нафарга яқини тўқимачилик комбинати, 1-пойафзал фабрикаси, «Таштекстильмаш» заводларида станок ва машиналар ёнида туриб меҳнат қилишади.

Коммунистик шанбаликда 1817, 6 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилади. Беш йиллик фондига район меҳнаткашлари 128 минг сўм ўтказишади.

Маданият муассасалари ҳам шанбаликни чинакам байрамга айлантиришга интилишяпти. 36 бадиий ҳаваскорлик коллективи катта концерт программалари тайёрлашяпти. Зарбдор ленинча вахтанинг бориши, ишлаб чиқариш новаторларининг ютуқлари кўп нусхали деворий газеталарда, радиогазеталарда, «Чақмоқ»ларда, фотомонтажларда ёритилади.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам анча ишлар бажарилади.

9. СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

РЕКОРД НОРМА БЎЛИБ ҚОЛДИ

А. ФОЗИЛБЕКОВ,
Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари.

— Собир Раҳимов районн корхона ва ташкилотларининг коллективлари шонли меҳнат анъаналарини давом эттириб, Москва ва Тошкент шаҳарлари илғор корхоналарининг 1984 йил 21 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватладилар ва шанбалик куни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Дастлабки маълумотларга қараганда шанбалик куни 132 мингдан зиёд киши ишга чиқади. Район саноати 1005 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан 404 минг сўмлик халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаради.

9-шина ремонти заводи, ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси, подшипниклар ремонти заводи коллективлари шанбаликда тўла иқтисод қилинган ресурслар ҳисобига, тажриба-механика экскаваторлар ремонти заводи эса иқтисод қилинган электр энергия ҳисобига ишлашга аҳд қилган.

«Геологоразведка» заводининг токари Н. Плотников, чинни заводининг ишчиси Х. Холтожиев, «Тошкент» мебель бирлашмасининг дурадгори И. Қудратов, «Ташкентмрамор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг нусха кўчирувчиси Н. Михальчук, 10-автомобиль ремонти заводи прицеп цехининг С. Абдураҳмонов бошлиқ слесарь-йиғувчилар бригадаси каби кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари шу куни 1,5—2 смена нормасини бажариш мажбуриятини олдилар.

Бош кийимлар фабрикаси, бадиий конструкторлик бюроси ва 14-рельс пайвандлаш поезди коллективлари шанбалик куни 1984 йилнинг тўрт ойи топшириқларини муддатидан илгари адо этадилар.

Район қурилиш ташкилотлари ишчи кучи ва моддий-техника ресурсларини ишга тушириладиган турар жой объектларида жамлаган ҳолда ўз объектларида меҳнат қиладилар.

Район транспортчилари томонидан 13,4 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташилади.

21 апрель куни марказий кўчалар, майдонлар, ҳовлиларни ободонлаштириш билан боғлиқ кенг кўламдаги ишлар бажарилади. Ана шу ишларда 98,7 минг киши иштирок этади. Улар суғориш тармоқларини тозалаш, дарахт ва буталар ўтказиш, уларни оқлаш, гулзорлар ташкил этиш билан шуғулланадилар.

Барча корхоналарда шанбалик тантанали митинглар билан бошланади. Митингларда меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, таклиф этилган пенсионерлар сўзга чиқадилар.

Ҳар икки-уч соатда «Чақмоқ»лар чиқариб турилади, корхона ва ташкилотларнинг радиоузеллари орқали шанбаликнинг бориши ҳақида хабарлар бериб борилади.

Бажарилган ишларга дастлабки якунлар чиқарилар экан, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик районда юксак савияда ўтади.

ЭНГ ЮҚОРИ УНУМДОРЛИК БИЛАН

Тошкент пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводининг коллективи ленинча коммунистик шанбаликка қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу «қизил шанбалик» куни заводда иқтисод қилинган хом ашё ва материаллардан 18 минг сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Коллектив ана шу кунги иш ҳақининг 3,5 минг сўмини ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказади.

Корхонанинг З. Қаюмов, Н. Ҳалилов, Т. Алихўжаев, О. Степанова каби мусобақа пешқадамлари меҳнат байрами куни энг юқори унумдорликка эришишга ва шу куни икки смена топшириғини адо этишга аҳд қилганлар.

Фрунзе районининг минглаб меҳнаткашлари қатори «Таштекстильмаш» заводининг слесарь-йиғувчиси В. Висоцкий ҳам коммунистик шанбаликда иштирок этади. Унинг шу корхонада ишлаётганига 40 йил бўлиб қолди. Ҳозир у 1985 йил ҳисобига меҳнат қиляпти. «Қизил шанбалик» куни у юзлаб ҳамкасблари қатори энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга аҳд қилган.

Районни ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилади.

СУРАТЛАРДА: В. Висоцкий; объективда — Фрунзе районн. Т. Каримов фотолари.

«Геологоразведка» заводида слесарь-ремонтчилар М. Ёқубов, Р. Гайфутдинов ва Ю. Ваулинларни яхши танишади. Улар ҳар куни смена топшириқларини 20—30 процент ортиғи билан адо этишади. Шанбалик куни улар ўз нормаларини бир ярим баравар бажариш мажбуриятини олишган.

СУРАТДА: слесарь-ремонтчилар М. Ёқубов, Р. Гайфутдинов ва Ю. Ваулин.
М. Нуриддинов фотолари.

МУСОБАҚАЛАШИБ ИШЛАЙДИЛАР

Тошкент чинни заводида 21 апрелда бўладиган «Қизил шанбалик»ка қизғин ҳозирлик кўриляпти. Цехлар, бригадалар, участкалар коллективлари шу куни ўзаро мусобақалашиб ишлашга аҳд қилишди. Корхонада шанбаликни ўтказиш штаби меҳнат байрами кунидаги мусобақа шартларини белгилади. Шу куни энг самарали меҳнат қилган цехлар ва участкалар учун иккита, бўлимлар учун учта, бригадалар учун эса тўртта биринчи ўрин, шахсий меҳнат беллашувида қатнашганлар учун олтита биринчи ўрин ва совринлар белгиланди. Мусобақада ғолиб чиққанлар «В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигига бағишлаб ўтказилган шанбаликда энг яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун!» сўзлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилган вазалар, чой сервизлари билан тақдирланадилар.

Шанбаликда жами 1550 чиннисоз ўз иш жойларида меҳнат қилади. Инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ободонлаштириш ишлари билан шуғулланишади. Завод ҳовлисига, пансионатга дов-дарахтлар ва гул кўчатлари экилади.

Ишчилар тайёрлайдиган 32 минг сўмлик маҳсулотнинг учдан бир қисми тежалган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилади. Ўн биринчи беш йиллик фондига 5 минг сўм иш ҳақи ўтказилади.

10. СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

ОММА АКТИВЛИГИНИ ОШИРИБ

Б. ТУРИК,
Сергели район партия комитетининг биринчи секретари.

—21 апрелда В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини Сергели районининг барча меҳнаткашлари қўллаб-қувватладилар. Шанбаликка тайёргарлик кунлари бўлиб ўтган митинг ва йиғилишларда улар меҳнат байрамида энг юқори натижаларга эришишга аҳд қилганликларини маълум қилдилар.

Райондаги ҳар бир меҳнат коллективи «қизил шанбалик» куни қандай ишлар билан шуғулланишини яхши билади. Ана шу оммавий тадбирда 104 корхона, ташкилот ва идора —жами 57,8 минг киши иштирок этади. Шу куни 753 минг сўмлик товар маҳсулотлари, шу жумладан 340 минг сўмлик халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш планлаштирилган. Район саноати ўз зиммасига 21 апрель куни ўртача кундалик нормадагидан 15 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқаришдек юксак мажбурият қабул қилган. 29,3 минг сўм ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Бунёдкорлар 128,5 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар. Район транспорт ташкилотларининг режалари ҳам катта. Улар меҳнат байрами куни 32 мингдан зиёд пассажирни, 17 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб бериш, 18,8 минг сўмни беш йиллик фондига ўтказишга азму қарор қилганлар.

Шу куни районда кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилади. 15 минг туп дарахт, 4 минг туп бута, 3 минг туп гул ўтқазилади. Маҳаллаларда ва турар жой массивларида кўчат ўтқазиш, дарахтларнинг тагини оқлаш, суғориш тармоқларини тозалаш каби ишлар бажарилади.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари ленинча шанбаликни идеологик таъминлаш ишларига катта эътибор бермоқда. Район корхоналари ва ташкилотларида шанбаликни юксак ташкилий ва сиёсий савияда ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилган. Меҳнат байрами коллективларда митинглар билан бошланади. «Чақмоқ»лар, деворий газеталарнинг махсус сонлари социалистик мусобақанинг бориши ҳақида, мусобақа илғорлари ҳақида ҳикоя қилади. Шанбалик тугаб, меҳнат беллашувига якун чиқарилганидан сўнг, ғолиблар ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан мукофотланади.

Ленинча шанбалик омманинг ташаббускорлиги, ижодий активлиги меҳнат унумдорлигини янада оширишнинг муҳим резерви эканлигининг яна бир ёрқин далили бўлиб қолади.

Барча сергелиликлар қатори «Узбекпроектмебель» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг У. Зияев бошлиқ бригадаси ҳам коммунистик шанбаликка чиқади. Бу коллектив ўзининг сифатли, зарбдор меҳнати билан шуҳрат қозонган. Шанбалик куни ҳам улар смена топшириқларини ортиғи билан бажаришади. СУРАТДА: У. Зияев бригадаси.

БЕЛЛАШУВНИ АВЖ ОЛДИРИБ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159- трест бунёдкорлари беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунлаб, юбилей йилини юксак суръат билан бошлаган эдилар. Улар қурилиш бўлинмалари ўртасидаги юбилейолди социалистик мусобақасини авж олдириб, суръатни бир зум ҳам сусайтирмаяптилар. Меҳнат беллашувида 53 ва 9-қурилиш бошқармалари пешқадамлик қилишяпти. Айниқса, 9-қурилиш бошқармасининг Вячеслав Миллер бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси қувончли ютуқларга эришмоқда. Коллектив ўтган йили планни қарийб икки баравар ошириб адо этган эди. Биринчи квартал якунлари ҳам юқори бўлди. Шунингдек, Владимир Галлер бошчилик қилаётган бригада коллективи ҳам юбилейолди мусобақасида сезиларли ютуқларга эришиб келяпти. Коллектив бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш учун курашмоқда.

Илғор иш усулларидан, вақтдан, қурилиш материалларидан оқилона, тежаб- тергаб фойдаланиш ютуқлар омили бўлмоқда.

Меҳнат беллашувида трестнинг 8, 10-қурилиш бошқармалари коллективлари ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. 10-қурилиш бошқармасининг Нургали Ҳакимзянов бошлиқ бригадаси «Тўққизлар ташаббуси»га қўшилиб ишлаяпти.

Хуллас, 159-трест коллективи 3-трест бунёдкорлари билан анъанавий социалистик мусобақани давом эттирмоқда. Мусобақа бунёдкорларни янги зафарлар сари чорлаяпти. Бунёдкорлар бутун куч ва имкониятларни ишга солиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашмоқдалар.

тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 18 апрель куни ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ПХР мудофаа министри броня генерали Ф. Сивицкийга Ленин орденини топширди. Ф. Сивицкий иккинчи жаҳон уруши йиллари биргаликда олиб борилган курашдаги хизматлари ҳамда СССР Қуролли Кучлари билан Польша Қўшини ўртасида урушдан кейинги даврдаги жанговар ҳамдўстликни мустаҳкамлаш ишига катта шахсий ҳисса қўшганлиги учун шу мукофот билан тақдирланди.

Мукофотни топшириш чоғида ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади.

К. У. Черненконинг нутқи ва Ф. Сивицкийнинг жавоб нутқи тонгги газеталарда эълон қилинган.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг темирчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ғ. Холматов 1986 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига меҳнат қила бошлади. Бирлашманинг юздан зиёд ишчиси шахсий беш йиллик планларини бажарган, ёки бажариш арафасида турибди.

●

Республика театр жамиятининг Актёрлар уйида Ўзбекистон ССР халқ артисти И. Фоменко билан ижодий учрашув бўлади. Учрашув республикамиз музика ва қўшиқчилик санъати ривожи, малакали санъаткорлар тайёрлашга катта ҳисса қўшган таниқли санъатшунос, педагог ва мураббийнинг 80 йиллигига бағишланади.

●

Комил Ёрматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудиясида 1983 йилда яратилган мультфильмлар бўйича ижодий конференцияда иштирок этаётган москвалик таниқли экран усталари билан учрашув бўлади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 9 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. кечаси 5—7, кундузи 18—20 даража иссиқ бўлади.

Ҳал қилувчи учрашувлар

Теннис бўйича ўтказилаётган IV Халқаро ўсмирлар турнирининг биринчи кунидаги баҳслар бош соврин даъвогарларининг сафини камайтирди. Афсуски, республикамизнинг барча ёш спортчилари 17-ва ундан қуйи ўринлар учун курашадиган бўлиб қолишди. Фақат «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг вакили Виктор Богатирёв саралаш мусобақаларини муваффақиятли ўтказди.

Ўтган йилги турнирда республикамиз вакиллари дуруст қатнашишган эди. Бу йилги турнирда чет эллик кучли теннисчилар ҳам иштирок этаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳвол унчалик ачинарли эмас. Республикамиз ёш спортчилари учун бу турнир XVII Бутуниттифоқ ўқувчилар спартакиадаси баҳсларига тайёргарлик кўришда синов вазифасини ўтамоқда.

Саралаш баҳсларида тошкентлик Петр Лебедь биринчи ғалабага эришганидан кейин командадоши спорт мастери Виктор Богатирёв билан беллашди. Тажрибали Виктор ғолиб чиқди.

В. Богатирёв кейинги учрашувни бокулик Сергей Костанов билан ўтказди. Бу сафар ҳам ҳамшаҳаримиз ғалабага эришди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совриии учун асосий беллашувлар бошланди.

М. ГОРБАЧЕВ.

СУРАТДА: СССР терма командаси аъзоси В. Мильвидская. Р. Загратдинов фотоси.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ўрта мактабларни тамомлаб келган кўплаб ёшлар меҳнат қилади. Уларга бу ерда касб сирларини пухта эгаллаш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта махсус, ўрта ва олий ўқув юртларида ўқиш учун яхши шароитлар яратилган. Ҳар бир ёш ишчи дастлабки пайтда тажрибали мураббийлар раҳбарлигида меҳнат қилишади. Бирлашма мураббий совети ҳар йили белгиланган план асосида катта ишларни амалга оширади.

СУРАТДА: тўқув цехидаги ёш илғор ишчи, комсомол аъзоси Нилуфар Усмонова. У шу кунларда кунлик нормасини мунтазам 120—130 процентга етказиб адо этяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Мажбуриятлар изидан

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ КЎПАЙСИН

КИРОВ ВА СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Мусобақадош районларнинг корхоналари коллективлари йилнинг январь-март ойларидаги ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини муваффақиятли бажардилар. Жумладан, маҳсулот реализация ҳажми бўйича топшириқни Киров райони 0,9 процент, Собир Раҳимов райони 1,6 процент ортиғи билан адо этди. Биринчи кварталда планга қўшимча 476 ва 1041 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича топшириқ план кўрсаткичидан нисбатан 2,3 ва 3,8 процент ортиқ бўлди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий ўсиш суръати 6,3 ва 7,0 процент юксалди.

Меҳнат унумдорлиги ҳажми бўйича планни Киров район индустрияси 102,2 процент ва Собир Раҳимов райони 103,8 процент қилиб бажарди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,9 ва 5,8 процент юксалди.

Мусобақадош районларда сўнгги йилда товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2.443 минг ва 4.531 минг сўмликка юксалди. Бунда Киров районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 96,9 процентига, Собир Раҳимов районида 82,9 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

«Узбексельмаш», «Центразэнергоремонт» ишлаб чиқариш бирлашмалари (Киров райони), «Компрессор», агрегат, экскаватор ремонти заводларида (Собир Раҳимов райони) ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилда 8—10 процент ва ундан кўпроқ юксалди.

Бироқ, белгиланган номенклатурада буюмлар етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини ҳамма корхоналар ҳам уддалади деб бўлмайди. Булар қаторида асбобсозлик заводи, 5-ғишт заводлари бошқармаси, Тошкент зардоб ва сиворотка илмий-тадқиқот институти (Киров райони), «Миконд», дурадгорлик буюмлари, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси (Собир Раҳимов райони) каби корхоналар бор.

5-ғишт заводлари бошқармаси, Тошкент зардоб ва сиворотка илмий-тадқиқот институти (Киров райони), ипак йигирув фабрикаси (Собир Раҳимов райони) маҳсулот таннархининг анча қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

Киров райони саноатида Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 15,5 процентни, Собир Раҳимов районида 28,8 процентни ташкил этди.

Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича квартал плани Киров районида 95,6 процент, Собир Раҳимов районида 105 процент бажарилди.

Киров районида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш планини асбобсозлик заводи, Собир Раҳимов районида Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси барбод қилдилар.

ШУ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-МАРТ ОЙЛАРИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНИНИ КИРОВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА БЎЛИМИ МУДИРИ С. МОСКАЛЕНКО ШАРҲЛАЙДИ:

— Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш саноатимиз олдида турган асосий вазифалардан биридир. Унинг муҳимлиги ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги пайтда Киров районидаги барча саноат корхоналари 50 хилга яқин кенг истеъмол буюмларини ўзлаштирган ва ишлаб чиқараяпти. Бу ерда бир сўм иш ҳақи ҳисобига саккиз сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади. Шу йилнинг биринчи кварталида савдо тармоқларига планга қўшимча 728 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари чиқарилди, ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 104,6 процентни ташкил этди. Корхоналарнинг партия ташкилотлари кенг истеъмол буюмлари сифатини янада яхшилаш, маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини такомиллаштиришга жиддий эътибор беряпти. Ҳозир район саноати 40 хилдаги ва моделдаги буюмни Сифат белгиси билан тайёрлаяпти, уларнинг кўпчилиги кенг истеъмол буюмларидир.

Бу йўналишда айниқса Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи самарали ишлаяпти. Бу ерда буюмларнинг 50 процентга яқини фахрли беш қиррали белги билан муҳрланади, анчагина қисми «Н» (Янгилик) индекси билан ишлаб чиқарилади. Харидорлар талабини ўрганиш мақсадида корхона «Тоҳир ва Зуҳра» ва «Ўзбекистон» фирма магазинларида маҳсулотларни оз-оз миқдорда сотишни ташкил этди. Белгиланган тадбирлар аҳолига эркаклар кийими ишлаб чиқаришни юз процент ошириш имконини берди.

«Ўртоқ» кондитер фабрикаси меҳнаткашлари биринчи кварталда кондитер маҳсулотлари реализация қилиш бўйича мажбуриятларни 264 минг сўмликка ортиғи билан адо этди. Корхонада маҳсулот ҳажми ўсишининг 80 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Яқингинада ҳам «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришда районда сўнгги ўринлардан бирини эгалларди. Ҳозир эса раҳбарларнинг, корхона партия ташкилотининг изчил иш олиб бориши натижасида аҳвол ўзгармоқда. Корхонада уч хил кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариляпти. Тез вақт ичида янги кенг истеъмол буюмлари цехи ишга туширилиши билан уларнинг номенклатураси ҳам, ҳажми ҳам икки баробар ортади. Заводнинг бир гуруҳ мутахассислари ўхшаш корхоналарнинг кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш бўйича тажрибасини ўрганяпти.

Бироқ, ҳали ҳамма ишлаб чиқариш коллективларида ҳам кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этишга жиддий эътибор беріляпти деб бўлмайди. «Центразэнергоремонт» корхонасида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш суст боряпти. Тўғри, мазкур корхона ремонт билан шуғулланади ва буюртмачилар материали билан ишлайди. Бироқ энергетика ва электрлаштириш министрлигидагилар буни била туриб ремонтчиларга кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқа-

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

АТТЕСТАЦИЯ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАБ

Аттестация якунларига бағишлаб, «Средазгипроводхлопок» институтида лекторлар йиғилиши бўлиб ўтди. Институт «Билим» жамияти ташкилотининг 50 дан зиёд аъзоси бор. Уларнинг кўплари халқаро аҳвол, ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационал тарбия мавзуларида мароқли лекциялар ўқишяпти. О. Караваева, П. Чирва, Л. Побережский сингари лекторлар «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг ёрлиқларига сазовор бўлишди.

• *Меҳнатинг — зийнатинг*

УЧИНЧИ ФАРЗАНД

Йўлдош мактабда яхши ўқиди. Олган баҳолари кўнгилдагидек— бирорта ҳам уч йўқ.

— Институтга кириб ўқишинг, олий маълумотли бўлишинг шарт,— деб ёзди унга Ленинградда инженер бўлиб ишлайдиган опаси.

Онаси ҳам унинг олдига шундай вазифа қўйди.

Йўлдош уларнинг фикрига қўшилди, кўнгилларини кўтаргандай бўлди. Лекин дилида унинг ўзлигини билдирувчи мулоҳазаси ҳам йўқ эмасди.

Йўлдош институтга кирмади. Сентябрь тонгларидан бирида ҳужжатларини олий ўқув юртининг қабул комиссиясига эмас, «Ташхимсельмаш» заводининг кадрлар бўлимига топширди. У энди ишчи. Ўзи меҳнат қилиши, ҳамкасбларидан ортда қолмаслиги керак.

У ўзининг бундан кейинги устози жуда ҳам қаттиққўл бўлишини, унинг синовларидан ўтиш нечоғли оғир эканлигини бутун вужуди билан ҳис қилаётган эди. Бу устознинг исми-шарифи ҳам, фамилияси ҳам бир сўз билан ифодаланади: Ҳаёт! Ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтган ҳар бир киши — унинг дипломи борми ёки йўқми, бундан қатъий назар, шубҳасиз одам бўлади.

Саккиз йиллик иш тажрибаси унга кўп нарса берди. Кўп одамларни кўрди, бир қанча тақдирларга тўқнаш келди, анча-мунча кечинмалар суронида қолиб, ҳаётнинг мазмуни ҳақида ўйлади. Ва ниҳоят, шу хулосага келди: киши ўз меҳнатидан қувона билиши ҳам керак. Меҳнатдан қувона билиш — энг катта бахт. Бу қувонч она ва нон сўзларидан ҳам қадимийроқ бўлган меҳнатга нисбатан меҳр-муҳаббатнинг порлоқ алангасидир.

И. Турсунхўжаев ҳозирги кунда «Ташхимсельмаш»нинг етакчи бригадаларидан бирига бошчилик қилмоқда. 1-механика цехи коллективи ўзини Йўлдошнинг бригадасисиз тасаввур қилолмайди. Пешқадам токарь сифатида Йўлдошнинг ўзи энг аввал коллективга намуна бўлмоқда. Бир ойда корхонада кенг миқёсда ишлаб чиқаришга жорий қилинган самарали «ОВХ—28» машиналари учун 100 та ўрнига 120 тадан юқори сифатли деталлар тайёрлаб беришга эришмоқда. Серқуёш диёримизнинг 60 йиллик юбилейигача бу кўрсаткични 135 тага етказиш — ёш бригадирнинг хайрли нияти. Бу ниятнинг амалга ошишига унинг ўзи ҳам, биз ҳам қаттиқ ишонамиз.

Унинг бригадаси атиги уч кишидан иборат. Учовлон республиканинг қутлуғ айёмини энг қувончли муваффақиятлар билан қаршилаш учун курашмоқда. Н. Негматулинанинг иш тажрибаси бригадирининкидан тўрт йил кўп.

— Бригадир билан беллашиш кишини чарчатади,— дея очиқ тан олади у.—Йўлдош билан умумий муваффақият йўлида сидқидилдан ҳамкорлик қилиш, менимча фойдалироқ. У мендан кўра кўп нарсани билади.

И. Турсунхўжаевнинг номи бугунги кунда корхонанинг И. Михеев, В. Андреев, Д. Бобилев, П. Аҳмедов сингари ўнлаб меҳнат илғорлари қатори тилга олинади. Серғайратлиги, ҳалоллиги, ўз ишига масъулият кўзи билан қараши ҳар бир йиғилишда, иш жараёнида ҳурмат билан эслатиб турилади. Бу — унинг меҳнатига берилган бир умрга татигулик мукофот. Энг муҳими, у бу заминдаги ўзининг инсоний бурчини ҳалол адо этмоқда.

Йўлдош оилада учинчи фарзанд. Кичик опаси тўқимачилик комбинатининг илғор ишчиси. Каттаси тақдир тақозоси билан Ленинград шаҳрида яшаб хизмат қилмоқда. У бир-икки йил укасининг нима учун ишчиликни танлаганини тушунолмай юрди. Ҳозир эса у ҳам мамнун. Энг муҳими, укасининг ишлари жойида.

Тилагимиз —бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолсин.

С. САИДОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

ҚАҲРАМОН БИЛАН УЧРАШУВ

...Кўксида қаҳрамонлик «Олтин юлдуз»и ва медаллар таққан, истараси иссиқ, кайфияти аъло киши залга кириб келиши билан гулдурос қарсаклар янгради. Бу инсон ҳаётда чиниққан, она тупроғимизга бостириб кирган душманга қирон келтирган ва истеъдодли рассом, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Самиғ Абдуллаев бўлади.

Қаҳрамон рассом С. Ф. Абдуллаев олтмиш саккизинчи баҳорни кутиб олди. Саккиз йил ҳарбий хизматда, ўн йил республика рассомлар союзи правлениеси раиси, йигирма саккиз йилдирки Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи раҳбари, беш юзга яқин тасвирий санъат асарлари муаллифи...

Музейнинг лекциялар ўқиш залига қаҳрамон рассом билан буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан учрашувга келган 100 дан зиёд Тошкент савдо техникуми студентлари Самиғ Абдуллаев ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни учрашувни олиб бораётган санъатшунос Флора Мухтаровадан эшитишарди.

Ҳа, қаҳрамон рассом Ғарбий Украина, Шимолий Кавказ ва Қрим жангларида қатнашиб, Моздок, Сапун тоғи учун бўлган жангларда оғир яраланган. Душманнинг ўндан ортиқ ўқи Самиғ Абдуллаевни оғир ярадор қилган. Ўқлар олинди, умуртқа суякдаги бир ўқ олиниши қийин бўлганидан уни ҳамон қийнаб келади. У хуруж қилганда тез-тез уруш йилларини эслайди. Ҳар бир учрашувда ёшларга уруш нималигини тушунтирар, фақат меҳнат қилишга, дўст бўлиб яшашга чақирарди. Бу сафарги учрашув ҳам ниҳоятда қизиқарли ва таъсирли ўтди.

Учрашув сўнггида қаҳрамон рассом С. Абдуллаев асарларидан намуналар рангли тасвирларда экранда намойиш этилди.

М. АҲМЕДОВ.

МАЛОЛ КЕЛМАСА...

Собир Раҳимов районидаги Хўжалик проездида яшовчи аҳоли район электр тармоғи подстанцияси (бошлиғи Ғафуров) ходимларининг масъулиятсизлиги туфайли кечаси чироқсиз қолишган. Бу ерда одамлар айни ишдан ҳориб қайтган пайтда чироқ ўчиб қолади.

Маҳалла аҳли радио эшитиш, телевизор кўриш, газета ва журнал ўқиб ҳордиқ чиқариш ўрнига бирбировларидан лампа шиша сўраб саргардон. Ғира-шира тонг маҳал ишга отланганлар эса кийимларини излаб хоналарни пайпаслаб юришади.

Мутасадди ўртоқларга малол келмаса бу масала ҳақида бир бош қотириб кўришса.

М. КАРИМОВ,
Хўжалик проезди, 2-тупик, 5-уй.

«ЧАРОҒОН» КЎЧА

Генерал Петров кўчасидаги 2-тупикни одамлар ҳазиллашиб «Чароғон» кўча деб аташади. Бу гапда озгина киноя бор. Сабаби бу ерда кечалари чироқ ёғдуси шундай хираки, дастурхондаги нон билан сариёғни ажратиш мушкул.

Бу ерда яшовчи аҳоли, уларнинг кўпчилиги кекса кишилар, жуда қийналишмоқда. Электр энергияси етарли бўлмаганидан радио ва телевизорлар сукутга чўмган. Бу ишга мутасадди ўртоқлар ҳам ҳозирча жим. Бу ҳол қачонгача давом этиши эса ҳеч кимга маълум эмас.

Ш. АБДИҒАНИЕВ,
Генерал Петров кўчаси, 2-тупик, 8-уй.

«КЎЧМАНЧИ» РАҚАМЛАР

Сарлавҳани ўқиб ажабланманг. Чунки арифметикада «кўчманчи» рақамлар борлигини эшитмагансиз. Лекин район социал таъминот бўлимида, алоқа бўлимларида «кўчманчи» рақамлар, яъни «кўчманчи» числолар бўлиши мумкин экан. Бунга мен ишонч ҳосил қилдим.

Олти фарзанднинг онасиман. Турмуш ўртоғим вафот этганликлари сабабли болаларга нафақа белгиланган. Нафақани илгари ҳар ойнинг биринчи числосида олиб келиб беришар эди. Кейин иккинчига, сўнг учинчига кўчиришди. Январь ойида бешинчида, февралда еттинчида олиб келишди. Нафақа тўланадиган числони орқага кўчириш давом этяпти.

Ишхонамда ҳар ойнинг ўнинчи кунида маош тўланади. Шу боисдан нафақани ой бошида олиш оиламиз учун катта аҳамиятга эга.

81-алоқа бўлимидаги почтачилар аввал юз сўмдан ортиқ пенсия олувчиларнинг пулини тарқатишар экан. Бизга ўхшаш озгина пул оладиганлар эса ўз ризқини ҳафталаб кутиб ўтириши керак экан.

Шаҳар социал таъминот бошқармаси ва Чилонзор алоқа узели раҳбарлари ой рақамларининг кўчиб юришига қачонгача бепарво қарашади?

М. ҒОЙИББОЕВА,
Дилхуш кўча, 7-«а» уйда яшовчи.

ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

Шаҳар савдо Бош бошқармаси томонидан гражданин С. Куликовнинг «Ташхлебторг»га қарашли 75-магазинида савдо қоидалари бузилаётгани баён этилган хати кўриб чиқилди. Хатда баён этилган фактлар тасдиқланди. Савдо қоидаларини бузганлиги учун 75-магазин контролёр-кассири Ҳасановага виговор эълон қилинди. Сотувчилар иши бўш назорат этилганлиги учун шу магазин мудири З. Комиссарова огоҳлантирилди. Эндиликда харидорларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш юзасидан бир қатор тадбирлар белгилаб олинди.

***

Газетхон Г. Гаврилов редакцияга хат йўллаб, «36—15 ТНС» такси машинаси ҳайдовчиси Тошмуҳамедов молия интизомини бузганлиги ва қўпол муомалада бўлганлигини баён этган эди. Хат «Главташпассавтотранс»га юборилган эди. У ердан қуйидагича жавоб олинди: хат 5-таксомотор парки ҳайдовчилар составида ўртасида муҳокама этилиб, фактлар тасдиқланди. Пассажирга қўпollик қилгани ва унинг ҳақидан уриб қолгани учун ҳайдовчи Тошмуҳамедов икки ой муддатга таксини бошқариш ҳуқуқидан четлаштирилди. Айни пайтда у ўн учинчи маош 1984 йил якунига кўра ва янги автомашина олиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. 5-таксомотор парки маъмуриятига ҳайдовчилар составн ўртасида тарбиявий ишни кучайтириш зарурлиги кўрсатилди.

***

Халқ депутатлари Акмал Икромов район Совети ижроия комитети 181-мактаб ўқитувчиларининг мактаб атрофидаги территорияни тартибга келтириш юзасидан коллектив хатини кўриб чиқди.

Район Совети ижроия комитетидан олинган жавобда айтилишича, хатда баён этилган фактлар тасдиқланди. Эндиликда 181-мактаб атрофида милиция ва ота-оналар жамоатчилигининг назорати йўлга қўйилди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мактаб яқинидаги қатнов йўлига тегишли белгилар ўрнатилди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН
МУХБИРЛАРИ
ХАБАР
ҚИЛАДИЛАР

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

УЛАН-БАТОР. «Эрдэнэт» қўшма Монголия—Совет кон бойитиш комбинати коллективига кўчма Қизил байроқ ҳамда «Найрамдал— дўстлик» интернационал социалистик мусобақа ғолибининг фахрий дипломи топширилди. Шу муносабат билан Монголиядаги энг катта саноат марказида бўлиб ўтган тантанали митингда республикада кенг қулоч ёздирилган интернационал коллективлар ҳаракати меҳнат мусобақасини авж олдириш, иккала қардош мамлакат меҳнаткашлари ўртасидаги амалий алоқаларни янада мустаҳкамлашнинг таъсирчан формаларидан бири бўлиб қолганлиги таъкидланди. Совет илғор тажрибасини ўзлаштириш, совет мутахассисларидан ўрганиш— буларнинг ҳаммаси МХР кон-руда саноатининг энг катта корхонаси ходимларига бу йил ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашда янги муваффақиятларга эришишга имкон берди.

Умумхалқ ҳаракати

БЕРЛИН. Кейинги йилларда ГДРда кенг авж олдирилган энергия, хом ашё ва материалларни тежаш ҳаракати чинакам умумхалқ ҳаракати бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда республикада «Энергияни намунали истеъмол қилган корхона» фахрий номига сазовор бўлган комбинатлар, заводлар ва фабрикалар сони мингдан ошиб кетди. Ана шу юксак давлат баҳосини олишга биринчи муваффақ бўлган ишлаб чиқариш бирлашмалари орасида ГДР химия саноатининг энг катта корхонаси — В. Ульбрихт номли «Лойна» комбинати бор. Бу комбинат коллективи бугунги кунда ҳам тежаш учун курашнинг олдинги сафларида бормоқда.

АСРЛАРГА ТЕНГ

ВЬЕНТЬЯН. Лаос халқ ҳокимияти йилларида маориф системасини ривожлантириш ишида асрларга тенг йўлни босиб ўтди. Республика бу соҳада жозибадор ютуқларга эришди. Революцияга қадар имтиёзли табақалар вакилларининг кичик бир гуруҳи — қирол оиласининг аъзолари, юқори мансабдор кишилар ва маҳаллий бойларгина билим олиш имконига эга эдилар.

Умумий таълим мактаблари тўғрисидаги қонун ЛХДР ташкил этилганидан кейин мамлакат ҳукумати қабул қилган дастлабки қонунлардан бири бўлди. Ҳозирги вақтда ҳар йили ишчилар ва деҳқонларнинг фарзандларидан қарийб 550 минг ўғил ва қиз бола мактабга қатнамоқда. Урушдан кейинги давр қийинчиликларига қарамай, ёш давлат халқ маорифини ривожлантиришга катта маблағ ажратмоқда.

Ҳозирги вақтда бутун мамлакатда саводсизликни тугатиш учун кураш кенг кўлам касб этмоқда. Халқ ҳокимияти йилларида лаосликлардан салкам 750 минг киши ўқиш ва ёзишни ўрганди. Саводсизликни тугатиш курсларини битириб чиққан меҳнаткашларнинг кўпчилиги умумий таълим савиясини ошириш кечки мактабларида ўқишни давом эттирмоқда. Бу ўз-ўзидан тушунарли—чунки лаос коммунистлар партияси кўзлаган буюк мақсад — социалистик жамият асосларини билимсиз қуриш мумкин эмас.

ФОТОАТЛАС

Лондон — Буюкбританиянинг пойтахти, жаҳоннинг йирик шаҳарларидан биридир.

ЮҚОРИДАГИ СУРАТДА: Трафальгар майдонида.

* * *

ПАСТДАГИ СУРАТЛАРДА: Лондоннинг рамзи—машҳур Вестминстер саройидаги Биг Бен минорали соати.

* * *

Шаҳарда кейинги вақтда велосипедлар сони анча кўпайиб қолди. Лондонликлар бундай арзон транспортда ишга боришни афзал кўрмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

• ЛУҚМА

«ДУНЁ СЎРАРМИДИМ...»

Юмуш билан баъзи идора раҳбарининг ҳузурига кирмоқчи бўлсангиз котиба қизнинг хатти-ҳаракати энсангизни қотиради. Ўша бошлиқ ҳузурига киргач эса кўп ҳолда унинг одамшавандалиги, олдига арз қилиб келган кишини ҳурматини жойига қўйиб кутиб олишини кўриб таажжубланасиз. Гўё ҳозиргина остонадаёқ кавушингизни тўғрилаб қўймоқчи бўлган сатанг котиба қиз бу идора раҳбари-ю, бошлиқ унинг бир ходимидек. Хуллас, икки миллион аҳоли яшайдиган улкан шаҳарда баъзан бир нарса: ширин сўз жуда танқис бўлиб қолади. Озгина табассум ва илтифот ҳам.

— Шу йил 22 март куни ўғлим билан квартира ҳақини тўлаш учун Собир Раҳимов районидаги 8050/037 номерли омонат кассага кирдик,— деб ёзибди оқшомхон Ҳ. Мўйдинов. — Кассада ўрта ёшлардаги семизгина аёл билан ёш қизча суҳбатлашиб ўтирган экан. Мен салом бериб, муддаомни айтсам улар иш вақти тугади, эртага келинг деб гаплашиб ўтиришаверди...

Шундан кейин омонат кассадаги ходималар билан мижоз ўртасида қуйидаги савол-жавоб бўлган.

Савол: — Соат нечагача ишлайсизлар?

Жавоб: — Олтигача.

Савол:— Ҳали олти бўлмади-ку?

Жавоб: — Соатингиз бузуқ экан, отворинг...

Яна савол: — Шикоят дафтари кимда?

Жавоб: — Ойша холангизда!

— Ўғлимнинг олдида жуда изза бўлдим, —дейди хатини давом эттириб оқшомхон. — Сўнгги жавобни айтган ходима қизим тенги экан. Мен ундан дунё сўрармидим, озгина ширинсўз, хушмуомала бўлса қиз бола учун бу ҳам бир ҳусн, ахир!..

Ширин сўз — жон озиғи, дейди доно халқимиз. Бир оғиз ширин сўз билан юрак ийиб кетиши ҳам, куйиб кетиши ҳам мумкин. Омонат кассада ўтирган ҳалиги хизматчилар буни унутиб қўйишган кўринади. Ёки билиб туриб шундай қилишгандир, ким билади. Аммо бир нарса аниқ: улар омонат кассада «омонат» ўтиришганга ўхшайди.

М. ЮСУПОВ.

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Реалист рассом

УЛУҒ РУС РАССОМИ Г. Г. МЯСОЕДОВНИНГ

150 ЙИЛЛИГИГА

Машҳур рус рассоми Григорий Григорьевич Мясоедев туғилган кунга 150 йил тўлди. Рус тасвирий санъати тарихида Г. Г. Мясоедев ўтган асрнинг 60—70-йиллари реалистик маиший рангтасвир устаси сифатида машҳурдир. У Бадиий академияда ўқиб юрган йилларда конкурс имтиҳонларидан бири учун яратган «Григорий Отрепьевнинг қочиши» асари учун Катта олтин медаль билан тақдирланиб, чет элга олти йиллик саёҳат йўлланмаси билан мукофотланади. Ўша йилларда эндигина ижоди шаклланиб келаётган рассом Франция, Германия, Италия ва бошқа мамлакатларнинг жаҳонга машҳур санъат асарлари, музейлари билан танишади. Ўз юртига қайтиб келган рассом деҳқонлар турмушини тасвирловчи бир қатор ажойиб туркум асарлар яратди. Унинг ранг-баранг картиналарида 1864 йилги ер ислоҳоти танқиди ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Г. Мясоедев картиналарининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, уларнинг аксарият қаҳрамонлари оддий халқ орасидан чиққан меҳнаткаш кишилар. Рассом ҳар бир асарида деҳқонлар турмушининг бетакрор манзарасини яратишга, уларнинг она замин билан нечоғлиқ чамбарчас боғлиқ эканлигини образли тасвирлашга интилди. Бу эса унга катта шуҳрат келтирди.

Рассомнинг энг сўнгги асарларидан бири «Мицкевич ўз асарларини Зинаида Волконская салонида ўқимоқда» деб номланади. Бу асарда рассом бошқа бир қатор образлар билан бирга улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкиннинг сиймосини ҳам теран гавдалантирган. Бу асар Г. Г. Мясоедевнинг ранг-баранг картиналари ичида алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида ҳам таниқли рус рассомининг бир қатор картиналари намойиш этилмоқда. Айниқса 1871 йили яратилган «Рус флотининг отахони» деб номланган картинанинг асл нусхаси томошабинлар эътиборини ўзига жалб этади. Музей экспозицияларидан жой олган рассомнинг бошқа асарларида ҳам ўтган асрдаги Россия ҳаёти, рус деҳқонларининг турмуши ёрқин тасвирланган.

* * *

СУРАТДА: машҳур рус рассоми Г. Г. Мясоедев.

ИНСОН ВА ЗАМИН МАДҲИ

СССР Рассомлар союзининг 1 съездидан буён Ўзбекистонда тасвирий санъат ҳафталиги йигирма еттинчи марта ўтмоқда. Бу йил санъат байрами шонли сана — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига тайёргарлик жараёнида нишонланмоқда.

Одатдагидек бу сафар ҳам тасвирий санъат ҳафталигида ҳам кўргазма залларида, музейларда янги экспозициялар ташкил этилди.

Киночилар уйи залларида рассом Янис Салпинкидининг шахсий кўргазмаси намойишга қўйилган. Экспозицияда 70 дан ортиқ асар бор. Пейзажлар, жанрли композициялар, натюрмортлар, график асарлар шулар жумласидандир.

Рассом бундан ўн йил муқаддам Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини битириб, Ленинграддаги Репин номидаги рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институтида ўз маҳоратини оширди. Бу ерда у икки йил таълим олди. Ўзбекистон ҳаёти билан, меҳнат аҳли билан яқиндан танишув эса унинг учун иккинчи мактаб бўлди.

Кўргазмага қўйилган асарлар билан танишар эканмиз, рассом она табиатнинг гўзаллигини, қадимий обидалар нафосатини меҳр билан тасвирлаганлигини ҳис этамиз. «Хумсон. Сўнгги нурлар», «Саҳро гуллари», «Жиззах ери», «Бухоро томлари», «Лаби Ҳовуз. Бухоро» сингари асарлари бунга мисол бўла олади.

Тошкентдаги республика қўғирчоқ театри фойесида очилган кўргазмани эса санъат ҳақидаги санъат деб аташ мумкин. У қўғирчоқ театри спектаклларига ишланган юзта плакатдан ташкил топган. Экспозицияда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Вениамин Акудин ва Борис Рубиновлар яратган ажойиб реклама плакатлари, шунингдек, Ватанимиз ва чет эл рассомларининг ишлари намойишга қўйилган. Экспонатлар Болгария ва Япония, Чехословакия ва Польша, мамлакатимизнинг иттифоқдош республикалари театрларининг энг яхши спектакллари билан томошабинларни ошно этади.

Тошкентдаги санъат мактабида намойиш этилаётган кўргазманинг шиори «Рангдор олам» деб аталади. Унда мактабнинг юқори синф ўқувчилари, жумладан рассом-педагог Эдуард Тушаков раҳбарлик қилаётган синф ўқувчилари яратган суратлар, акварелллар намойишга қўйилган.

Республикамиз таниқли рассомларининг асарлари ҳам шу кунларда турли кўргазмаларда намойиш этилмоқда. Рўзи Чориев, Зокир Иноғомов, Йигитали Турсунназаров, Борис Токмин, Тешабой Пирматов сингари рассомларнинг картиналарида инсон гўзаллиги, ўзбек заминининг саховати ёрқин бўёқларда акс эттирилган.

Тешабой Пирматов Москвадаги юбилей кўргазмасида ўзининг «Биринчи пахта ҳосили — Советларга» деб номланган асари билан иштирок этди. Энди эса Ғалаба районидаги Свердлов номли колхозда ташкил этилган кўчма кўргазмада ўзининг 20 та янги иши билан меҳнаткашлар олдида ҳисоб бермоқда. Рассомнинг янги асарлари Ўзбекистоннинг замини ва одамларига бағишланган.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети кўргазма залида намойиш этилаётган рассом-педагог Борис Токмин асарлари, истеъдодли рассом Йигитали Турсунназаровнинг Қўқонда томошабинлар эътиборига ҳавола этилган асарлари, Тошкент область Орджоникидзе районидаги В. И. Ленин номли колхозда намойиш этилаётган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Зокир Иноғомовнинг суратлари кўргазмаси ҳам томошабинлар билан гавжум бўлмоқда.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Рўзи Чориев асарлари кўпчиликка яхши таниш. Рассом яқинда Сурхондарёда, Новосибирскда бўлиб, замондошларининг бир қатор портретларини чизиб қайтди. Шу кунларда улар рассом устахонасида сўнгги сайқалдан чиқмоқда.

Томошабинлар «Илҳом» клуби кўргазма залида рассом Леонид Маркиннинг асарлари билан, ҳафталик охирида эса Киночилар уйида СССР Рассомлар союзи ижодий группасининг ишларидан ташкил топган «Гуллаётган Ўзбекистон» кўргазмаси билан ҳам танишишлари мумкин.

О. АПУХТИН.

* * *

СУРАТЛАРДА: В. Акудиннинг қўғирчоқ театри спектаклларига ишлаган плакатлари; санъат мактабида машғулот пайти. Автор фотолари.

САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

ВИРУСЛАР ҚАНДАЙ ХАВФ ТУҒДИРАДИ?

БОЛАЛАРДА ЎТКИР РЕСПИРАТОР КАСАЛЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

Ўткир респиратор касалликлари болалар ўртасида тез-тез учраб туради. Кузатишларга қараганда, ҳар бир бола ўз ҳаётининг биринчи йилида ўртача 8-10 марта ўткир респиратор касалликларини ўтказади. Вирусларни ўрганишдаги муваффақиятлар ўткир респиратор касалликлар сабабини аниқлаш имконини берди. Улар грипп, парагриппнинг турли хил вируслари, аденовируслар туфайли пайдо бўлар экан.

Илк ёшдаги болалар ўртасида аденовируслар группаси вужудга келтирган ўткир респиратор касалликлар айниқса тез-тез учраб туради.

Врачларнинг тажрибалари ва кузатишлари шуни кўрсатадики, аденовируслар нафас олиш йўллари ва ичак йўлларининг шиллиқ қатламларидаги ҳужайраларда кўпаяр экан.

Аденовирус касалликлари анча кенг тарқалган. Улар бутун йил давомида учраб туради. Аммо совуқ пайтларда у билан касалланганлар кўпаяди. Фарингоконьюктиваль безгак одатда ёз пайтида болалар коллективларида юз беради. Бемор одам ёки вирус ташувчи инфекция тарқалишига сабаб бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бемор касаллик бошланганидан кейин 25 кун давомида аденовируслар ажратиб туради. Айниқса касаллик пайтида уларнинг ажралиши кўпаяди. Йўтал, акса уриш, кўз ёшланиши ҳам кучаяди.

Баъзан болаларнинг касалланишига бемор ота ёки она сабаб бўлади. Болалар учун айниқса касалликнинг яширин шакли билан оғриган беморлар хатарлидир. Аденовируслар юқори нафас олиш йўллари ва кўзнинг шиллиқ қатламлари орқали, ҳаво ва сўлак томчилари воситасида бошқаларга юқади. Чивинлар ҳам касалликнинг тарқалишида маълум роль ўйнаши мумкин. Айниқса олти ойликдан уч ёшгача бўлган болалар касалликни тез юқтиради. Аденовирус билан зарарланишдан то касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлгунга қадар тўрт кундан ўн икки кунгача вақт ўтади.

Касаллик нафас олиш йўллари шиллиқ қатламининг енгил катарал яллиғланиши ёки оғир оқибатларга олиб келувчи зотилжам шаклида кечиши мумкин. Аденовируслар бурун, нафас олиш йўлларининг шиллиқ қатламлари, ўпка, кўз ва ичак йўлларини зарарлайди. Аденовирус билан зарарланган беморларда гриппга қараганда юқори ҳарорат нисбатан кам кузатилади. Мабодо юқори ҳарорат бўлганида ҳам у 3 кундан 10 кунгача давом этиши мумкин. Касаллик пайтида аъзои бадан қақшаб оғрийди, бемор қайт қилади, кўзида оғриқ сезади. Баъзида касаллик узоқ чўзилиб кетади. Кўпчилик бемор болаларда бўйин лимфа тугунлари кенгайиши, айрим касалларда эса жигар ва талоқнинг катталашуви рўй беради.

Аденовирус инфекцияларининг энг кенг тарқалган шаклларидан бири юқори нафас олиш йўллари катаридир. Бу касалликда болаларнинг бурни битади, бурундан қуюқ сув оқади, кўзнинг шиллиқ қатлами, томоқнинг орқа девори қизаради. Вақти-вақти билан йўтал тутади.

Бу касаллик билан оғриган болалар ориқлайдилар, ранглари оқаради. Катта ёшдаги болалар бошлари оғриганидан, баданлари қақшаганидан, томоқлари оғриганидан шикоят қиладилар. Қайт қилиш, ич кетиши ҳоллари ҳам қайд этилади. Аденовирус касалликларида баъзан томоқ оғриғи ҳам кузатилади. Кўпинча улар аденовируслар туфайли вужудга келиши ёки бактерия ва замбуруғли инфекцияларнинг қўшилиши натижасида пайдо бўлиши мумкин.

Бундай касалликларда қандай даво чораларини қўллаш мумкин? Албатта уй шароитида даволаш мумкин. Бемор ўрнидан турмай ётиши, хонага эса тоза ҳаво кириб туриши зарур. Хона полларини тез-тез ҳўл латта билан артиб туриш керак.

Ўриндан турмай ётиш муддати касалнинг аҳволи, касалликнинг шакли ва кечишига боғлиқ. Боланинг бадани, оғиз бўшлиғининг тозалигига, ошқозон-ичак фаолиятига эътибор бериб туриш лозим. Албатта махсус парҳез шарт эмас. Аммо овқат тўйимли, витаминларга бой бўлиши лозим. Болага етарли миқдорда суюқлик — лимонли, малина мураббоси чой, мева шарбатлари, Тошкент минерал суви сингари фойдали ичимликлар бериб туриш зарур бўлади. Даволаш учун эса иссиқлик туширувчи ва яллиғланишга қарши воситалар (аспирин, амидопирин, анальгин) бериб турилади. Анальгиннинг амидопирин, кофеин, кодеин билан қўшилмаларини бериш мумкин, лекин албатта беморнинг ёшини ҳисобга олиш лозим. Зарур бўлганда юрак дорилари, физиотерапевтик процедуралар, организмни мустаҳкамловчи даволаш чораларини қўллаш мумкин. Касалликнинг барча шаклларида витаминлар бериб бориш керак.

Касалликнинг олдини оладиган қандай профилактик тадбирлар бор?

Аденовирус касалликларининг олдини олишда энг асосий чора санитария тартиби қоидаларига риоя қилишдир. Болалар коллективларида болаларни ҳар куни текшириш ва ҳароратини ўлчаш беморларни вақтида аниқлаш ва алоҳида даволашга имкон беради. Болалар турган хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш лозим. Аденовирус касалликларининг олдини олишда, шунингдек, болаларни чиниқтириш, уларни овқатлантириш ва ухлатиш режимига риоя қилиш муҳим роль ўйнайди. Болалар коллективларида, уй шароитида ҳам буни асло унутмаслик керак.

М. МЎМИНОВА,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг IV Бош бошқармаси 1-марказий поликлиникасининг педиатр врачи.

• Наботот — ҳаёт манбаи

Доривор ўсимликлар

Доривор ўсимликлар таркибида фойдали кимёвий моддалар: алкалоидлар, гликозидлар, витаминлар, ошловчи моддалар ва ферментлар бор. Одатда ўсимликнинг таъсир қилувчи моддалар кўп тўпланган қисмлари ишлатилади. Турли хил дорилар тайёрлаш учун хом ашё ҳисобланган доривор ўсимликлар алоҳида группани ташкил этади. Ватанимизда тайёрланадиган барча шифобахш воситаларнинг қирқ процентидан кўпи ўсимликлардан олинади. Улар синтетик дориларга нисбатан безарар, зеро қўшимча таъсирга эга эмас. Ўзбекистонимизда ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар беҳисоб. Шулардан баъзиларини таништирамиз.

БЎТАКЎЗ

Бу бир йиллик ёввойи ўсимлик бўлиб, шифобахшлиги билан ажралиб туради. Саватчасининг тагидаги тилсимон гуллари таркибида цикорин гликозидлари, антицианлар мавжуд бўлиб, улардан тайёрланган шарбат шамоллашда, йўтал ва асаб ҳужайраларини тинчлантиришда фойдаланилади. Қайнатмаси эса, ўт пуфак шамоллаганига дори сифатида ишлатилади. Баҳор фаслида йиғиб, салқинда қуритиб олиш керак.

НАЪМАТАК

Серхосият бу ўсимлик ёввойи ҳамда маданий ҳолда ўстирилади. Меваси таркибида инсон организми учун ниҳоятда зарур бўлган витаминлар сероб. Айниқса, С витамини кўп бўлади. Унинг дамламаси, яъни мевасининг қайнатмасидан иситма қолдирувчи дори сифатида ҳамда меъда-ичак касалликларида ва оғиз бўшлиғи касалланганда ишлатилади. Қон босими ошганда томирларни бўшаштириш хусусияти бор.

Ўлкамизда наъматак тоғ бағриларида беҳисоб ўсади. Уларни меваси яхши пишганда йиғиб, қуритиб олинади ҳамда қоғоз халтачаларда сақланади.

ТОҒРАЙҲОН

Тоғрайҳон кўп йиллик ёввойи ўсимлик. Таркибида эфир мойи, С витамини, ошловчи ва бошқа бирикмалар мавжуд. Эфир мойи, асосан, феноллардан, терпендлардан ташкил топган. Тоғрайҳон қайнатмасидан асосан йўтал, нафас қисилиши, ўпка сили ва меъда-ичак касалликларида ишлатилади. Халқимиз қадимдан суюқ овқатларга райҳон эзиб тановул этишган. Райҳон инсон овози, яъни нутқининг нафис ва равон бўлишида энг биринчи ёрдамчидир.

ҚОҚИЎТ

Қоқиўт — кўп йиллик ёввойи, сут ширали ўсимлик. Илдизи таркибида аччиқ гликозидлари, тритерпен бирикмалари, инулин ва ёғ моддалари беҳисоб. Қоқиўтнинг илдизи ва баргидан фойдаланилади. Бу ўсимликдан тайёрланган овқат ёки қайнатмаси иштаҳа очувчи, қонни тозаловчи, ўт пуфак фаолиятини оширувчи восита сифатида фойдаланилади. Фармацевтикада ҳам бу ўсимликдан кенг миқёсда фойдаланилади. Қоқининг қуюқ экстракти камқонлик, қувватсизлик ва кўкрак оғриғи хасталикларини даволашда қўлланилади.

Халқимиз қадимдан юқорида биз таништирган ўсимликлардан гўштга қўшиб таомлар тайёрлашган.

О. КАРИМОВА,
химик-технолог.

Ўрта Осиё педиатрия институти қошидаги клиник касалхона хирургия бўлимида ўз касбининг моҳир устаси бўлган шифокорлар кўплаб топилади. Сиз суратда ана шундай шифокорлардан (чапдан-ўнгга) медицина фанлари кандидати Б. Тожимамадов, Б. Ўтаев, бўлим мудири Ҳ. Қурбоновларни кўриб турибсиз.

МЕДИЦИНА ЛУҒАТИДАН

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

● ВИТАМИН — организмнинг нормал ҳаёти учун керак бўлган органик моддалар ҳамда шу моддалардан тайёрланган доридир. Витамин сўзи икки қисмдан иборат бўлиб, «вита» — ҳаёт, «амин» — азотли модда деган маънони англатади. Поляк олими К. Функ дастлаб 1912 йилда ҳаёт учун зарур моддалар группасига кирадиган бирикмалар ажратиб олди ва шу бирикмада аминогруппа бўлганлигидан бутун бирикмалар синфини «витаминлар» деб аташни таклиф этди. Кейинги талайгина тадқиқотлар натижасида шу синфга кирадиган моддалардан кўпгинасида амино группа бўлмаслиги аниқланган бўлса-да, «витамин» атамаси сақланиб қолинди. Бу атама олимлар ва аҳоли орасида кенг тарқалиб кетганлигидан, уни алмаштиришнинг имкони ва ўрни бўлмаган.

● ВРАЧ — терминининг ўзбек тилидаги синоними даволовчи ёки шифокордир. Шифокор атамаси врач терминига нисбатан бирмунча кенгроқ маънода қўлланилади. Революцияга қадар Россияда врачни лекарь деб юритганлар. Бу ном олий медицина мактаби ёки шунга тенг келувчи бошқа мактабни тугатган кишиларга берилар эди. Врач термини 1918 йилдан эътиборан қўлланила бошлаган.

● КОСМЕТИКА — грекча «косметике» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «безаш санъати» деган маънони билдиради.

● КУРОРТ — бу сўз немисча «кур» (даволаниш)+«орт» жой, ибораларидан ясалган бўлиб, табиий шифобахш омилларга (иқлим, минерал сувлар, балчиқ ва ҳоказоларга) эга бўлган даволаниш жойини билдиради.

● МАРГИМУШ — деярли барча заҳарларнинг таркибида маргимуш бўлганлиги учун кўпинча заҳар деганда маргимушни, маргимуш деганда заҳар тушунилади. Тахминларга кўра, маргимуш форсча — марг (ўлим), муш — сичқон сўзларининг қўшилишидан таркиб топган. У дастлаб, сичқон, каламуш сингари зараркунанда, кемирувчиларни ўлдириш учун қўлланилган.

● МАССАЖ — грекча «массеин» сўзидан келиб чиққан бўлиб, эзиш, қориш деган маънони англатади. Массаж умумий ва жойли бўлади. Массажнинг силаш, ишқалаш, ёзиш, тебратиш ҳаракати (вибрация), шапатилаш каби, асосан беш хил ҳаракати бор.

● МИКРОСКОП — жуда майда заррачаларни катталаштирилган ҳолда кўришга имкон берадиган оптик асбобдир. «Микроскоп» деган сўз грекча иккита сўздан: «Микро» — кичкина ва «скопэо» — қарамоқдаман, кўрмоқдаман деган сўзлардан келиб чиққан. Оддий, кўзга кўринмайдиган микроорганизмларни микроскоп ёрдами билан кўриш, ҳайвонлар ва одам организмлари ҳамда тўқималари тузилишини ўрганиш мумкин.

А. ҲУСАНОВ,
филология фанлари кандидати.

• Ҳикматлар хазинасидан

ЮРАК МАЛҲАМИ

Уйқу — иқтидор манбаи, хаста юрак малҳамидир.

В. ШЕКСПИР.

* * *

Уйқу руҳан ва жисмонан, умуман одамнинг барча кучларини тикладиган табиатнинг ажаб неъматидир.

А. П. ЧЕХОВ.

* * *

Тунги уйқуни кундузгига алмаштириш ҳикматдан эмас.

КАЙКОВУС.

* * *

Чуқур уйқу — ҳузур-ҳаловатларнинг энг аслидир.

П. И. ЧАЙКОВСКИЙ.

* * *

Уйқусизлик — туннинг инсонга ҳужумидир.

В. ГЮГО.

* * *

Уйқусиз тунлар умрни қисқартиради.

Ф. БЭКОН.

Акмал Икромов районидаги 5-юқумли касалликлар шифохонаси коллективи меҳнаткашлар саломатлиги йўлида сидқидилдан хизмат қиляпти.

СУРАТДА: касалхона бош врачи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати И. Халилов, бош ҳамшира П. И. Патина ва бош врач ўринбосари Ф. К. Хисамуддиновалар тасвирланган.

Х. Мирзакаримов фотолари.

● ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

Кўз дориси бор

Оқшомхон Р. Файзиев редакцияга юборган хатида, қарийб бир йилдан бери «окситетрациклиновая» кўз мазини шаҳар дорихоналаридан топа олмаётганлигини билдирган эди. Ушбу хат Тошкент шаҳар дорихоналар бошқармасига юборилган эди. У ерда бошқарма бошлиғининг ўринбосари С. Мираюбов имзоси билан қуйидаги жавоб олинди:

Тошкент шаҳар дорихоналар бошқармаси Р. Файзиев редакцияга йўллаган шикоят хати бўйича қуйидагиларни маълум қилади: «Окситетрациклин» кўз мази дорилар рўйхатидан чиқарилганлиги туфайли шаҳар дорихоналарида мавжуд эмас, унинг ўрнига «тетрациклин», «гидрокортизон» мазларини тавсия этамиз.

69-дорихона маъмуриятига Р. Файзиевни тетрациклин ёки гидрокортизон мази билан таъминлаш топширилади.

Ҳар тўғрида

РОБОТ—САНИТАР

Роботлар касалхоналарда беморларга хизмат кўрсатувчилар юмушини бажариши мумкинми? Японияда бу саволга ижобий жавоб бермоқдалар. Бу ерда аҳволи оғир беморни кўтариб бошқа жойга элта оладиган, ётиш жойини тартибга келтириб, сув элтиб бера оладиган «Мелконг» номли робот конструкцияси яратилди. Робот барча йўналишда ҳаракатланиб, унча катта бўлмаган оралиқда ўрнини вазиятга қараб ўзгартириш, шу билан бирга ўзини энергия билан таъминлаш имкониятига эга.

БЕТОНДАН УЯ

Ёғоч камёб бўлган Марказий ва Ғарбий Европада анчадан бери қушлар уяси ораси қипиқ билан тўлдирилган бетондан ясалмоқда. Улар бир мунча енгил бўлиб, жуда иссиқ ва узоқ муддат фойдаланиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрига кўра, қушлар бундай уяларга тахтадан ясалган уяларга нисбатан яхши жойлашишмоқда. Бу тажрибани қўллаш фойдадан ҳоли эмас.

ТО

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. ҲАКИМОВ: Ҳурматли редакция! Аптекаларда «Настойка эвкалипта» деган дори рецептсиз сотиларкан, ана шу шишачада сотиладиган суюқ дори қайси касалликларга шифо бўлиши ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Эвкалипт настойкаси 70 процентли спиртда тайёрланади. Тиниқ, қўнғир-кўк рангли, ўзига хос ҳидли суюқликдир. Эвкалипт настойкаси ларингит, трахеит, бронхит, умуман олганда юқори нафас йўллари шамоллаганда, оғиз бўшлиғи яллиғланганда, шунингдек баъзи бир гинекологик касалликларда ишлатилади. Бундан ташқари, баъзида тинчлантирувчи сифатида ҳам қўлланилади.

Бу дори 15—30 томчидан ичилади. Оғизни чайқаш ҳамда юқори нафас йўлларини ингаляция қилиш учун 10—15 томчисини бир стакан сувда эритилади. Фармацевтика саноатида 25 миллилитр миқдордаги флаконларда чиқарилади. Дорини ёруғлик тушмайдиган, салқин жойда сақланг.

* * *

Н. АКРОМОВ: Яқинда дадамларнинг қон босимлари ошиб кетган эди, дорихона зулугидан фойдаланишни тавсия этишди. Шу ҳақда маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Жавоб: Медицина зулуги Кавказда ва Украинада, дорихона зулуги эса Молдавия республикасида учрайди. Зулуклар кўлмак ёки сув ўти кўп бўлган, сокин оқадиган сувларда бўлади. Битта зулук 30 грамм ва ундан кўпроқ қон сўриши мумкин. Ҳар бир зулукка бир марта қон сўрдирилади.

Зулук қон босими, тромбофлебит ва шунга ўхшаш касалликларда қон сўрдириш учун ишлатилади. Зулук қон сўраётганида ўзидан қонни ивитмайдиган махсус фермент (гирудин) ишлаб чиқаради. Бу фермент зулук қон сўраётганда унинг сўлаги билан бирга қон томирига ўтади ва унинг ивишига йўл қўймайди.

Зулук бир кун тиндириб қўйилган водопровод сувида сақланади. Зулукни янги тушаётган водопровод сувига солиб бўлмайди.

Медицина зулугини Тошкент шаҳри бўйича 10-дорихонадан харид қилиш мумкин. Бу дорихона Бешёғоч майдонига жойлашган.

* * *

С. АЛИМОВА: сано барги ҳақида маълумот беришингизни истардим.

Жавоб: Сано ўсимлиги бўйи бир метрга етадиган ярим бута. Сано ўсимлиги ёввойи ҳолда Африканинг чўл ва ярим чўл областларида (Судан, Қизил денгиз бўйида) ҳамда Арабистоннинг жанубий районларида учрайди. У бир йиллик ўсимлик сифатида Ўрта Осиёда ва Кавказда ўстирилади. Искандария порти орқали чет элга чиқарилгани учун у яна Искандария саноси ҳам деб юритилади.

Сано препаратлари сурги дори сифатида ишлатилади. 10 грамм сано барги олиб, бир стакан қайноқ сувга солинади ва беш минут қайнатилади. Бир соат давомида тиндириб қўйилади ва бир ош қошиқдан кунига 2—3 марта ичилади.

Жавобларни дориш унос **Ш. ҚОДИРОВ** ва шифокор **Қ. НИЗОМОВ**лар тайёрлаган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ВОЕННАЯ КНИГА» МАГАЗИНИ

АҲОЛИДАН КИТОБЛАР СОТИБ ОЛАДИ!

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат нархлар комитети тасдиқлаган баҳоларга биноан оширилган нархларда бадиий, болалар ва бошқа адабиётлар обуна нашрлари, бундан ташқари антиквар ва нодир нашрлар қуйидаги бўлимлар бўйича сотиб олинади:

— аҳолининг талабига сазовор бўлган бадиий, илмий (луғатлар, энциклопедиялар, справочниклар), китобшунослик, адабиётшунослик, ҳарбий эсдаликлар, санъат, фольклор ва бошқа нашрлар.

Белгиланган баҳслар бўйича шубҳа туғдириши мумкин бўлган китоблар ва журналлар комиссияга қабул қилинади. Комиссияга «Звезда Востока», «Иностранная литература», «Техника молодёжи», «Юний техник», «Моделист-конструктор», «Юний художник», «Художник», «Цветоводство», «Риболовство» журналларининг тўла комплектлари, модалар, «Сельская молодёжь», «Работница» журналлари, шунингдек, 200 жилддан иборат бўлган «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» нашрининг комплекти ва айрим жилдлари (поэтик тўпламлар вақтинча қабул қилинмайди) қабул қилинади.

«Военная книга» магазини харидорлар билан ўзаро китоблар ҳам алмаштиради. Алмаштириш учун аҳолининг талабига сазовор бўлган нашрлар қабул қилинади. Топширувчига олтмиш календарь куни мобайнида алмаштиришнинг кўрсатилган дастлабки варианти тартиби бўйича бир марта алмаштириш имконияти берилади.

Магазин китоб магазинлари ва гражданлар ўртасида ҳам ўзаро нодир китобларни алмаштиради. Аҳолининг талабига сазовор бўлган, бадиий қиммати, полиграфик безалиш сифати, баҳоси, талаби бўйича тенг келадиган китоблар алмаштирилади.

Апрелдан бошлаб магазинда аҳолининг доимий талабига сазовор бўлган китобларнинг эгаларига бу китобларнинг тўла қимматини тўлаш билан китоблар сотиб олиш бўйича умумиттифоқ тажрибаси ўтказилмоқда. Магазин сотиб олган китобларга тажриба тариқасида уларнинг харидоргирлик баҳосидан 20 процент ортиқ бўлган сотилиш баҳоси белгиланади.

Бу тажриба харидорларнинг талабига сазовор бўлган 1961—1982 йилларда чиқарилган, шу жумладан китобларнинг тематик рўйхати мисолларига амал қилган ҳолда икки мартабали номинали бўйича сотиладиган китобларга тааллуқлидир.

Умумиттифоқ тажрибасининг шартлари мавжуд бўлган каталог-прейскурантдаги нашрларга, шунингдек камида бир йил олдин нашр этилган китобларга тааллуқли эмас.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Ўзингизнинг шахсий кутубхонангизни диққат-эътибор билан кўздан кечириб, сизга бундан буён керак бўлмайдиган китобларни «Военная книга» магазинига топширингиз.

Китобларни топшириш пайтида паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат ёнингизда бўлмоғи керак.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Ленин проспекти, 40-уй.
Иш соатлари — соат 10.00 дан 18.00 гача. Танаффус — 14.00 дан 15.00 гача.
Якшанба — дам олиш куни.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЛОМБАРДИ АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

ЛОМБАРД ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ АҲОЛИСИДАН

ҚИММАТБАҲО БУЮМЛАРНИ

ГАРОВГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ВА УЛАРНИ САҚЛАЙДИ

қимматбаҳоли металлар ва улардан тайёрланган буюмлар;
гиламлар;
тайёр кийим-кечаклар;
газламалар (қимматбаҳо);
биллур идишлар;
музика чолғу асбоблари (қимматбаҳо);
сувенирлар (қимматбаҳо);
трикотаж (қимматбаҳо);
олтин соатлар (қўл соатлари);
транзистор приёмниклар ва магнитофонлар (паспорти ва гарантия муддати билан);
пойафзаллар (янги, қимматбаҳо);
одеяллар (жунли, духобали, шойи, гобеленли);
тўр тўқима буюмлар (қимматбаҳо);
чинни идишлар (қимматбаҳо);
бадиий чинни.



БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

1-ЛОМБАРД — Чилонзор райони, Олмазор массиви, Фурқат кўчаси, 14-уй, «Бахт уйи» ёнида;

2-ЛОМБАРД — Фрунзе райони, Глинка кўчаси, 13-уй (С. М. Киров номли боғ ёнида);

3-ЛОМБАРД — Киров райони, Юнусобод массиви, В-4 квартали, 8-уй.

«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ».

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейшчиклар, сувоқчилар, қурувчи дурадгорлар, электромонтажчилар, электр пайвандчилар, ғишт терувчи-монтажчилар, дурадгор-паркетчилар, облицовкачи-плиткачи.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ва УНДАН КАТТА ЁШДА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисида аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақи билан таъминланадилар.

Бир йиллик ўқишга қабул қилинганлар ойига 70 сўм стипендия оладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар. Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3x4 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: 700081, Тошкент шаҳри, Домбробод кўчаси, 74-уй (50, 34, 54, 70, 79, 80, 103, 123-автобусларнинг «16-поликлиника» бекати; 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекати). Телефон 77-49-53.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—1985 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БОҚҚОЛЛИК-КОНДИТЕРЛИК, ГАСТРОНОМИЯ, ГЎШТ-БАЛИҚ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ГАЗЛАМА, ТИКУВ БУЮМЛАРИ, ПОЙАФЗАЛ, ТРИКОТАЖ, ГАЛАНТЕРЕЯ, ПАРФЮМЕРИЯ, МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИНИ СОТУВЧИ ВА СОТУВЧИ КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАР.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати 1 йил.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 ёшдан 20 ёшгача (Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар 23 ёшгача) 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР-КАССИР» деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги Бош универмаг— ГУМ, «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинлар ва «Универсам»ларда ўтказилади.

Агар билим юртини битирувчи ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, малака бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширса, педагогик советининг қарорига мувофиқ билим юртини битириб бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади (битирувчилардан 10 проценти).

Билим юрти қошида кечки ўрта мактабнинг 9, 10, 11 синфлари ишлайди.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги справка, 3x4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, характеристика, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юрти адреси: Тошкент —700173, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй. Телефон 78-44-30 (4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота», 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами» клиник касалхонаси бекати).

ЖИНСИ ЛИБОСИ ҚУЛАЙ ВА ЧИДАМЛИ

ЁШЛАР ҲАМ, КАТТА ЁШДАГИЛАР ҲАМ ЖИНСИ ЛИБОСИ СИФАТИГА МУНОСИБ БАҲО БЕРИШМОҚДА.

ХОРАЗМ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ЯПОН ГАЗЛАМАСИДАН ТЎҒРИ БИЧИМЛИ ЎТКИР МОДАЛИ ҚИЁФАДАГИ ЖИНСИ ЛИБОСЛАРИНИ ТИКИБ ЧИҚАРМОҚДА

Бу либоснинг ён томондаги чоклари, ҳамёнлари икки қаторли чок билан безакланган, бели сон томонга қараб олтита йўл билан безакланган, застёжкаси молнияли, ранги ҳаворанг.

Сиз шаҳарнинг магазинларидан жинси либосларини сотиб олишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИнинг

МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ (телефон 41-54-21).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети

57-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—85-ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металларга совуқ ҳолда кесиб ишлов бериш бўйича токарь-универсал, программа билан бошқариладиган станокларнинг фрезерчи-оператори, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, саноат ускуналари ремонти ва эксплуатацияси бўйича электрик, электр газ-пайвандчи, кабель ишлаб чиқариши бўйича электромонтёр, дурадгор, (бадиий мебель ишлаб чиқариш бўйича), саноат совутиш қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича машинист, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи.

Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синфни битириб ўқишга кирганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот ҳамда касб эгаллаганликлари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади.

Ўрта маълумот билан кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электрмонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирганлар ҳар ойда 76 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар учун металларга совуқ ҳолда кесиб ишлов бериш бўйича токарь-универсал, фрезерчи (программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари), **кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи ихтисоси бўйича, ўқиш муддати қисқартирилган** (ўрта маълумотлилар 7,5 ой, 8-синф ҳажмида маълумотлилар 10,5 ой ўқийдилар).

Уларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар корхоналарда мажбурий хизматни ўтамасдан ўқишни давом эттириш учун ўрта ва олий ўқув юртларига йўлланма билан юбориладилар.

Билим юрти яхши спорт базасига эга. Билим юртида техника ижодкорлиги тўгараги, «Смена» вокаль-чолғу ансамбли ва «Ровесник» диско клуб ишлайди. Ёзда дам олиш базаси мавжуд.

Машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, автобиография, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3x4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт).

Ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: 700164, Тошкент шаҳри, Высоковольтний массиви, 3-сектор («М. Горький станцияси»дан 4-автобусда «7-поликлиника» бекатигача, 6, 13, 22-трамвайлар ва 18-троллейбусда «Маиший хизмат кўрсатиш уйи» бекатигача).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

Тошкент шаҳридаги 2-пойафзал фабрикаси базасидаги

149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: бичувчи (пойафзал деталлари бўйича), **заготовщик** (пойафзални устки деталларини тикиш), **пойафзални якка буюртма ҳолида тайёрловчи, саноат ускуналарига хизмат кўрсатувчи ремонтчи-слесарлар, ОТК контролерлари.**

Ўқиш муддати 1 ва 2 йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

8—9—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади. 8-синф ҳажмида ўқишга кирганлар эса, давлат таъминотида бўлиб, кийим-бош ва кунига 3 маҳал овқат билан таъминланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган иш ҳақининг 50 проценти берилади. Билим юрти қошида кечки мактаб мавжуд. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма билан юборилади.

Билим юртида қуйидаги тўгараклар мавжуд: тикиш ва бичиш, тўқиш, кино-фото, миллий чолғу-асбоблар бўйича ва спорт секциялари мавжуд.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, саломатлиги тўғрисида (286-форма) справка, 4x3 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, ўқиш ёки иш жойидан справка ёки характеристика.

Ҳужжатлар (якшанбадан ташқари) **барча кунларда соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Адресимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домбробод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй. Телефон: 76-77-45 (троллейбус 16, 123-автобуснинг «Домбробод» бекати, метронинг «Собир Раҳимов» станцияси.

ТВ

пайшанба

19 АПРЕЛЬ

● МТ I

17.50 «Шахмат мактаби».
18.20 «Қувноқ нотачалар».
18.30 «Биз БАМни қуряпмиз».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Оқилона истеъмол маданияти ва инсоннинг маънавий қиёфаси».
20.00 «Кутилмаган севги». Бадиий фильм,
21.30 «Время».
22.05 Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати. Донецкдан олиб кўрсатилади.
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 «Адажио ва вариациялар». Одессадан олиб кўрсатилади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Бригадир Татаринович мактаби». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Ўсмирлар ижоди».
19.25 «Қишлоқ янгиликлари».
20.25—20.30 «Кўклам». Телефильм.
20.45 «Дунё ва ёшлар».
21.20 «Окадаги Пушчино». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Овулим кишилари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.15 В. Маяковский шеърларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Киндинов ўқийди.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз 80-йиллар комсомоллари».
19.20 «СССР Олий суди—60 ёшда». Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси Б. А. Наврўзов сўзи.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ғаллакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
20.10 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар» туркумидан. «Фанга бағишланган ҳаёт». СССР Олий Советининг депутати, Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Политехника институтининг ректори К. Аҳмедов ҳақида телеочерк (такрорий).
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясы студентларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи— ақлнинг кўзи» (такрорий).
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқув программаси.
18.35 «Жеведа дарёси оқадиган жойда». Телефильм.
18.45 «Ким бўлсам экан?» (рус.).
19.15 Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги олдидан. «Буюк Почин анъаналари давом этмоқда».
19.45 Реклама.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Октябрь кунларида». Телефильм.
21.00 «Самарадорлик, сифат ва тежамкорлик».
21.30 МТ II

жума

20 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Лениндан ўрганамиз». 3-кўрсатув.
10.10 «Қўшиқ айтгим келади». Кўрсатувда Ленин комсомоли мукофоти лауреати МИФИ академик эркаклар хори иштирок этади.
10.45 «Кутилмаган севги». Бадиий фильм.
12.15 «Уфқ». «Дадам, ойим ва мен — спортчилар оиласи».
13.15 Янгиликлар.
14.55 Янгиликлар.
15.10 «Подмосковье қурувчилари». Ҳужжатли фильм.
15.40 «Рус тили».
16.10 «Объектив».
16.45 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрида СССРда Польша маданияти кунларининг очилишига бағишланган концерт.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 А. Бородин. 2-симфония. МТ ва БР Катта симфоник оркестри ижро этади.
19.55 В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 114 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ВА КОНЦЕРТ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время».
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Дарахтлар ўсаверсин». Телефильм.
9.55—10.05 Илмий-оммабоп фильм.
10.55—11.05 «Эҳтиёт бўлинг, водород!» Илмий-оммабоп фильм.
12.05—12.40 «Декоратив-амалий санъат». Илмий-оммабоп фильм.
13.40—14.20 «Томас Мюнцер».
14.50 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
15.35 «Чет эл тасвирий санъати». Дрезден галереяси дурдоналари.
16.05 «Чашмалар».
16.40 Н. Тихонов поэзияси.
17.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Онамларнинг мактаби».
19.20 «Изланиш». Ҳужжатли фильм.
19.30—20.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.45 Концерт. Концерт тугагач— «Время».
22.05 «Овулим кишилари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
23.15 К. Паустовский. «Жулдур шинелли чол».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Волга дарёси Ока дарёси билан учрашган жойда», «Кончиларнинг қишлоқдаги юмушлари». Телефильмлар.
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Маҳорат ва уддабуронлик билан». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ҳаёт каби тирик».
18.45 «Совет турмуш тарзи». Кинопрограмма.
19.25 «Ахборот» (рус., ўзб.).
19.55 Москва. В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 114 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ВА КОНЦЕРТ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». Самарқанд область Советобод райони чорвадорлари ҳақида телеочерк.
22.25 «Она қалби». Бадиий фильм.
00.05 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00—17.20 МТ II
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Ота-оналар, Сизлар учун» (рус.).
18.30 «Ульяновск». Телефильм.
18.45 Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалиги олдидан. «Пойтахтимиз чиройига чирой қўшилсин».
19.15 «Аёл қалби наволари». Музикали программа (такрорий).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Аёл қалби наволари». Музикали программа (давоми).
21.00 «Ўртоқ Ленин сўзи». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

театр

НАВОИЙ НОМЛИ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК Б
ТЕАТРИДА — 19/IV да
I, 20/IV да Парвозда
меннинг, 21/IV да Флория
ҲАМЗА НОМЛИ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
МА ТЕАТРИДА — 19/
Нодирабегим, 21/IV да Т
МУҚИМИЙ НОМЛИ
ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ
РИДА — 19/IV да Ҳ
нинг эри, 20/IV да Тош
лар, 21/IV да Заҳар и
вогар.

кино

19 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР
«ОМАД ПАЛЛАСИ» —
ка (жуфт соатларда, те
77-06-20).
«ИНГЛИЗ КАРАБИН
ГИ УЧ ГИЛЬЗА» —
(жуфт соатларда), Дружба
ва жуфт соатларда, т
66-15-75).
«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ
Восток (жуфт соатлар
фон 91-14-61).
«XX АСР ҚАРОҚЧИЛ
— Нукус (тоқ соатлар
фон 46-70-69).
«ЁЛҒИЗЛАР ЁТОҚ
БИЛАН ТАЪМИНЛАН
— Лисунов номли (то
ларда, телефон 96-34-0
«САРИҚ ГУЛ» —
30 йиллиги (жуфт соат
телефон 33-44-52).
«ОСМОН ДАРВОЗАСИ
Искра (жуфт соатларда,
фон 39-14-59).
«САЪВАЛАР УЧУН
ФАС» — Москва (тоқ со
да, телефон 33-05-01).
«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА
ҚОБ» — Қозоғистон (
жуфт соатларда, телеф
24-92).
«ҚАСОС ВА ҚОНУН
Санъат саройи (16,
20.45, телефон 44-21-74).
20 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР
«ИНГЛИЗ КАРАБИН
ГИ УЧ ГИЛЬЗА» — Чайка
12, 14, 16.00, телефон 7
20), Восток (жуфт соат
телефон 91-14-61), Ўзбе
ССР 25 йиллиги номли
соатларда, телефон 53-
Қозоғистон (жуфт соат
телефон 35-24-92).
«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ
Чайка (18, 20, 21.45, те
77-06-20), Нукус (тоқ соат
да, телефон 46-70-69), М
(тоқ соатларда, телефон
01), Қозоғистон (тоқ соа
да).
«XX АСР ҚАРОҚ
РИ» — Дружба (тоқ ва
соатларда, телефон 66-1
«ЁЛҒИЗЛАР ЁТОҚ
БИЛАН ТАЪМИНЛАН
ЛАР» — Тошкент Совет
50 йиллиги номли (жуфт
ларда, телефон 78-
Янгиобод тоқ соатларда,
фон 96-36-21).
«СЕВИШГАНЛАР Қ
СИ» — Лисунов номли
14, 17, 20.00, телефон 9
02).
«МАХСУС ВАЗИФА О
ОТРЯД» — М. Шайхзода
ли (тоқ соатларда, те
42-39-74).
«ҚАСОС ВА ҚОНУН»
«Санъат саройи (11, 1
16, 18.30, 20.45, телефо
21-74).
«ОСМОН ДАРВОЗАСИ
«Искра (жуфт соатларда,
фон 39-14-59).
«САЪВАЛАР УЧУН
ФАС» — К. Ерматов н
(тоқ ва жуфт соатларда,
фон 24-22-66).

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА
Г. ЛОПАТИН, Ш. Р
ТАВЕЛИ КЎЧАЛАРИ, Ў
БЕКИСТОН ССР 50 ЙИ
ЛИГИ ПРОСПЕКТИ,
ОХУНБОБОЕВ КЎЧАС
ГЛИНКА КЎЧАСИДА
сув тармоқларида ре
профилактика ишлари о
борилиши муносабати би
19 АПРЕЛЬ СОАТ 00 ДА
20 АПРЕЛЬ СОАТ
24.00 ГАЧА
СОВУҚ СУВ БОСИМ
КАМАЙТИРИЛАДИ
«ВОДОКАНАЛ» трес

ТАБИИЙ ВА СИҚИЛ
ГАЗДАН ФОЙДАЛАН
ЧИ АБОНЕНТЛАР
ДИҚҚАТИГА!
«ТАШГАЗ»
БИРЛАШМАСИ
Сергели район эксп
ция хизмати телефон но
лари ўзгартирилганлиги
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ
ЯНГИ ТЕЛЕФОНЛ
58-78-52, 58-84-33.

Акмал Икромов рай
даги 54-ўрта мактаб то
дан **Тўраев Саидислом Са**
икромович номига бери
434745 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ
ТЎҒРИСИДАГИ
АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР «Фан» на
риёти коллективи «Фан
турмуш» журналининг
ходими, СССР Журналист
союзининг аъзоси
Анвар
МУҲАММАДҚУЛОВнинг
вафот этганлигини чуқур
ғу билан билдириб, мар
нинг оила аъзоларига та
изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат— 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

19 АПРЕЛЬ, 1984 й. Р—12206. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11